

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 14 январь, № 9 (8071)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаасини бошқариш миллий марказига ташриф буюрди.



Мудофаа вазирлигида барпо этилган ушбу марказ қўшинлар бошқарувининг энг замонавий шакллари мужассам этган, барча куч тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб боришга ихтисослаштирилган. Махмуа юқори технологик имкониятлари билан юртимиз ҳаво сарҳадларини, ўқув муассасалари ва полигонлардаги машғулотлар жараёнини реал вақтда кузатиш, бўлиналарнинг ҳаракатини транк алоқа орқали назорат қилишни таъминлайди.

Шунингдек, соҳада амалга оширилган ислохотлар, бунда ҳарбий-маъмурий секторларнинг иштироки, қўшинларнинг қўндалик ва жанговар фаолияти бўйича маълумотлар тўплайди, тизимли мониторинг олиб борилади.

Олий Бош Қўмондон ушбу марказда яратилган шароитлар ва техник имкониятлар билан танишди. Мутасаддиларга унинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, мудофаа тизимига тезлик билан интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бу марказ мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлигини таъминлашда таянч тузилмага айланиши зарур. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда марказ учун дастурий-аппарат мажмуасини ишлаб чиқиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Мудофаани бошқариш миллий марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Маتبут хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚА КҮН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклиги ва иттифоқчилик муносабатларининг жорий ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар.

Олий даражада ўтган учрашувда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилган мамнуният билан таъкидланди.

Турли даражалардаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари фаоллашган. 2021 йил якунларига қўра товар айирбошлаш ҳажми 33 фоизга ошган.

Худудларо йўналишда, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муносабатлар фаол ривожланмоқда.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Феде-

рацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган туркум тадбирлар ўтказиш муҳим эканини қайд этдилар.

Яқинда Қозғоғистонда рўй берган воқеалар нуктаи назаридан Марказий Осиёдаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қозғоғистон раҳбарияти томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва осойишталикни тиклаш, вазиятни барқарорлаштириш борасида қўрилган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Телефон орқали мулоқот, ҳар доимгидек, илиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КҮНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллиги, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

### II даражали

#### «Шон-шараф» ордени билан

**Батиров Хасан Арзудинвич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондони  
**Кахаров Рашид Джамалович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Рустамбеи Мирзаюсуп Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиги

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд хавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда балиқчилик хўжалиқларининг озуқа базасини мустақамлаш мақсадида:

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини босқичма-босқич таъминлаш ҳамда Самарқанд давлат университетини илмий-технологик ва ижтимоий ривожлантириш, рақобатбардор илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, фламан олий таълим муассасаси даражасига олиб чиқиш мақсадида:

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КҮНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадри ватандошлар!  
Авалло, ўз ҳаётини она юртимизни ҳимоя қилишдек улғу ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қутлуг айёмда жонажон Ватанимизга садоқат, азму шижоат каби эл-юртимизга хос юксак фазилатларнинг кадр-қиммати ва аҳамиятини, улар ҳаётимизда тобора мустақам ўрин эгаллаб бораётганини янада теран англаймиз ва ўзининг жанговар фаолияти билан буни амалда исботлаб келаётган сиздек гоят олижаноб касб эгаларини шарафлаймиз.

Шу билан бирга, жанговар бурчини адо этишда мардларча ҳалок бўлган фидойи ҳарбий хизматчиларимизнинг нури ва сўнмас хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Азиз дўстлар!  
Истиқлол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатимизнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Кейинги йилларда амалга оширган туб ислохотларимиз тўғрисида тарихан суқе даврда Ўзбекистон Республикаси вазирларияти ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташкил этишга эришмоқдамиз.

Ана шундай буюк тарихий жараёнда халқимизнинг ҳарбий соҳадаги бой меросига таяниб, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темури, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда болаларимизнинг жанговар аъёнларини муносиб давом эттириб келаётган, жисмоний ва маънавий етуқ, замонавий билим, қурол-яроғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ манфаатлари учун ҳар қандай синов ва машаққатларни

енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

**Шу маънода, муқаддас қасамдига ҳамиша содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида метин қалқон бўлган мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарвар баҳоқирлари, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

**Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва доворак фарзандлари — Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади.**

Муҳтарам юртдошлар!  
Кейинги йилларда «Халқ ва армия — бир тану бир жондир» деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийсалаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдлик янада яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун жамиятимизда, жумладан, Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларда «Инсон қадрини унун» деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилаётгани сизларга яхши маълум. Шу асосда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбийлар, муҳтарам фахрийларимизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, қўндалик ҳаётдаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларимиз йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимизда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янги мазмунга эга бўлиб, ёшларимиз қалбидан армиямиз билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!  
Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчаклари-

да, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можоро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шундай гоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустақамлаш ва Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тарқиқет стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучларимиз қўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари керак.

Ҳарбий хизматчилар, айниқса, командирлар таркибининг профессионал тайёрлигини ошириш миллий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу борада Қуролли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари офицерларини, бригада командирларини ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуролли Кучлар Академиясида жорий этилган янги тизимнинг юксак самарадорлигини таъминлаш — долзарб вазифадир.

Шу муносабат билан ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган ислохотларни изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш бўйича комплекс дастурларни тайёрлашда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий можоралар хусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш мақсадаги мувофиқдир. Бу борада энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда қўллаш ва такомиллаштириб бориш эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган ҳозирги вазиятда муҳим

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти,**  
**Қуролли Кучлар**  
**Олий Бош Қўмондони**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

## «Мардлик» ордени билан

**Азизов Улуғбек Уктамович** — Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Академияси бошлиғи

**Гафуров Шерзод Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Дадабоев Хомиджон Восижонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази бошлиғи

**Имамов Азам Хусаинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Куддашев Абдулла Хамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари

**Курбанов Бунёд Мавлонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

**Отахонов Бахтиёр Йўлдошев** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

**Раҳманкулов Элмурод Байкузиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Розумов Равшанбек Адамбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бригада командири

**Рўзиев Баходир Хусенович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Салиев Муталибжон Обиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

**Сафаров Муроджон Камолович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Умаров Фердавс Ахтамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хамдамов Хусанбой Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Шадиев Кобил Адилевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

**Шадиев Кобил Адилевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг ўринбосари

**Яллакаев Зокир Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси катта инспектори

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаев Шухратжон Абдирайимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Атамухамедов Акбар Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли бошлиғининг ўринбосари

**Байбеков Равиль Абубакирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бўлим бошлиғи

**Назаров Азиз Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Нам Владислав Русланович** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи

**Таджиева Алеса Сергеевна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Танкачев Владимир Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Хайтуллаева Алла Рахматуллаевна** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими катта инспектори

**Шакиров Мухтаржон Абдисалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси бошлиғининг ўринбосари — «Шон-шараф» давлат музейи директори

## II даражали

### «Саломатлик» ордени билан

**Болиев Зокиржон Абдахатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлими бошлиғи

**Жўраев Лазизжон Иномович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий санаторийси бошлиғи

**Имомалиев Муротали Йўлдашев** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази шифокори

**Маматов Улуғбек Ахтамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бошлиғи

**Таштемиров Халияр Юнусович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси бошлиғининг ўринбосари

**Шкуватов Комил Рузиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бўлим бошлиғи

## «Жасорат» медаллари билан

**Абдуллажонов Муроджон Солижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Абдуллоев Рустам Ражабович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Абдухалилов Асадбек Дилмурод ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ патрули

**Жиемуратов Ниетбай Турганбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Жолдасбаев Русланбек Медетбай ули** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Жонтемиров Фаррух Тўлқинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

**Жўрабоев Хусанбой Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қўштепа тумани қўриқлаш бўлими гуруҳ сафдор-ҳодими

**Ибрагимов Зиёдали Фармон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Исломов Фуркат Абдусайидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Қазакбаев Жамалатдин Воразимбетович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пост бошлиғи

**Лайлоқов Иштиёр Боймуродович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**Маматмуратов Хусниддин Хўшбакович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Менглиев Элдор Фулом ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Назаров Исмаилжон Анваржонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Нурмуродов Рустам Пирмаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Обидов Ботир Қодиржонович** — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Примкулов Мамаражаб Келдибек ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Расулов Аҳдам Мамарахимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Тилолов Орифжон Аллабердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Толипов Одижон Бахраниевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Тоббоев Мансур Турсунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Тошмирзаев Нурилло Абдулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Турсунов Анавар Хамитович** — Тошкент вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости инспектори

**Хамдамов Алишер Уктамович (мархум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қоровулбозор тумани қўриқлаш бўлими сафдор-ҳодими

**Хасанов Диёржон Зокир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Холдоров Луқмон Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хусанов Хасан Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Шаисаев Ислам Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Шокиров Садриддин Саъдуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Эсанов Акбар Жабборович (мархум)** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар бўлими взвод командири

## «Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

**Абдуллаев Комилжон Каримович** — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Учқўприк тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Абдуллаев Шавкатжон Махмудилаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бўлим бошлиғи

**Аллабергенова Нилуфар Анваровна** — Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани прокурори

**Ақбаров Шавкат Уктамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

**Ахбутаев Зафар Бахтиёрвич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Бегматов Зарифжон Орифович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика кутқарув маркази инструктор-кутқарувчи гаввоси

**Бобомуродов Нурмурод Элмуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

**Бозармирзаев Махаммаджон Бекмирзаевич** — Наманган ҳарбий прокурорининг ўринбосари

**Бозоров Эргаш Хайриллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Ботиров Мовлонжон Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Фуломжонов Зафарбек Фуломжонович** — Андижон вилояти Бўстон тумани прокурори

**Джапаров Расулжон Камилжанович** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Жумабаев Бахадир Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Зарипов Марат Завдатович** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Зияев Улуғбек Муродуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Исмаилов Бехзоджон Аҳаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи директорининг биринчи ўринбосари

**Камолитдинов Шохрух Бурхониддин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Каюмов Эркинжон Ганиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамоати ўқув-спорт бўлими бошлиғи

**Қодиров Умид Абдухамидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Қосбаев Илья Жолдасбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қидирув ва кутқарув гуруҳи инструктор-кутқарувчиси

**Қосимов Шухратбек Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим катта теҳниги

**Кучкаров Адхамжон Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Лакота Вячеслав Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Маллабаева Зилола Мирпалатовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ бош юриконсулти

**Мамаюсовлар Сарвар Деханович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари

**Мирзалиева Мухаббат Махаммадновна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи психологи

**Мукимов Заҳид Абдурахимович** — Тошкент шаҳри Учтепа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Муратов Саиткамол Саиткаринович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи директорининг ўринбосари

**Мусаев Турсунали Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ғалларол тумани қўриқлаш бўлими отряд командири

**Мусоев Олим Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий базаси бошлиғининг ўринбосари

**Мустафаккулов Фарход Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

**Мухсинов Шариф Мухамедович** — Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

**Назиридинов Фуломназир Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма катта инспектори

**Нураев Асадулла Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

**Нуратдинов Муратбай Абдуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

**Нурмуродов Умид Асатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

**Раҳжапов Хайдар Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Термиз» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони гуруҳ командири

**Раҳимов Абдурашул Абдирахимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Раҳимов Муҳаммадали Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Рўзиев Учқун Холбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Рустамов Аюбжон Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Сайданов Махаммаджон Марибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Сапариязов Хамдам Сабирович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Сяров Қубан Темиршоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Тўйчиев Зайлиддин Унарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона минтақавий ўқув маркази бошлиғи

**Тўлашев Илхом Шарифович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Усманов Исмоилжон Махсимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Фарғона» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони гуруҳ командири

**Усмонов Холиёр Тлаович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Хамзина Дамира Зайнуровна** — Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

**Хожаназаров Аманкелди Оринбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли тумани ички ишлар бўлими бўлими бошлиғи

**Холмурзаев Шухрат Сафарович** — Самарқанд вилояти Урғут тумани прокурори

**Худайберганава Дилором Зафаровна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи

**Хусанов Кобулжон Нигматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси бош мутахассиси

**Эрбўтаев Илёс Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

**Эргашев Восиджон Ёқубович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бошлиғи

**Юлдошев Акмал Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошқарма бошлиғи

## «Шухрат» медаллари билан

**Абдигалиев Қазбек Абдижамил ули** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Абдувахидов Азиз Рахматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Навоий вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш бўйича махсус отряди бош мутахассиси

**Абдуллаев Шухратжон Раҳимович** — Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

**Абдуллаева Зиёдахон Банноповна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ техник-назоратчиси

**Айнабеков Канат Халбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ахмедов Икром Изатилло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Бабажанов Зафар Полванназирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи

**Бахронов Санжарбек Мухторович** — Навоий ҳарбий прокуратураси терговчиси

**Дьякин Александр Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штаби бошлиғининг ўринбосари

**Жўраев Турсунали Зариббаевич** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чуст тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Қадиоров Умар Халикович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командири

**Қурбанов Уткир Каландарович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Қўшанжоров Хурсандбек Рашидович** — Хоразм вилояти Божхона бошқармаси муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Марханов Олим Аҳматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ихтисослаштирилган муҳандислик-техник батальони кутқарувчи-ҳайдовчиси

**Мовлонов Абдурашул Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Намазов Зиёдулла Юлдашев** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Низомов Хурсандбек Толибжонович** — Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнгин-кутқарув отряди йўриқчи-кутқарувчиси

**Нуриддинов Фахриддин Нуриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм чилангар-таъмирловчиси

**Нурматов Турсунали Раҳимджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сарманов Бахтияр Данакулович** — Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурор-криминалисти

**Турсунов Собиржон Муродович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қарши тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Умирзаков Дилшод Давронович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлими командири

**Умиров Жасур Хайруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази инспектори

**Хасанов Шерзодбек Хамиджон ўғли** — Фарғона вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости катта тезкор вакили

**Ходжамуратов Гулнора Турсунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» бирлашган таҳририяти бўлим бошлиғи

**Хушвақтов Хусан Абдурашидович** — Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости катта инспектори

**Шодиев Алижон Қудратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ургач» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони командири

**Юлдашев Жасурбек Махматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти цикли бошлиғи

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 12 январь

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуроли Кучларимизнинг қўмондонлик таркиби, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Хар йили Ватан ҳимоячилари кўни арафасида бундай йиғилиш ўтказиш яхши анъанага айланди. Бу йил эса Ўзбекистон Қуроли Кучлари ташкил этилганининг шонли 30 йиллиги нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбари мажлис аввалида ушбу кутлуг байрам билан барча ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини табриклади.

Йиғилишда Қуроли Кучлар тизими ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2021 йилги фаолияти яқунлари таҳлил

қилиниб, галдаги устувор вазифалар белгиланди.

Охириги беш йилда ҳарбий қурилишнинг барча йўналишларида амалга оширилган комплекс чоралар натижасида миллий армияимизнинг қиёфаси ҳам, қўшинларнинг тайёргарлик даражаси ҳам ўзгарди. Ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскара ва офицерларнинг шароитлари яхшиланди. 2021 йилда халқаро армия ўйинларида ҳарбийларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллагани ҳам соҳадаги ривожланиш натижасидир.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, жанговар бўлинмалар имкониятлари кенгайтирилмоқда. Давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизими амалиётга жорий қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари йиғилишда, ав-

вало, кадрлар тайёрлаш, илгор услубларни оммалаштириш масалаларига эътибор қаратди. Ҳарбий ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, Қуроли Кучлар Академиясини ҳарбий илм-фан даргоҳига айлантириш зарурлиги таъкидланди. Яқинда иш бошлаган Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институтини ҳарбий таълим ва илмий фаолият тизимига самарали интеграция қилиш топшириғи берилди.

Қуроли Кучларни замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжудларини модернизация қилиш ҳам ҳарбий қурилиш соҳасидаги энг устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Ушбу мақсадлар ва замонавий таҳдидлар хусусиятидан келиб чиқиб, 2022 — 2026 йилларда Қуроли Кучларни

янада ривожлантириш бўйича концептуал дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Қуроли Кучлар Бош штаби фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жаҳон ахборот маконида кескин қураш кетаётган ҳозирги вазиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш долзарблиғи таъкидланди.

Қўмондонлик таркиби замонавий операцияларни режалаштириш, қўшинларни оқиллона бошқариш, мавжуд куч ва воситаларни самарали қўллаш бўйича малакасини ошириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Раҳбарлик ва қўмондонлик лавозимларига истиқболли кадрлар захирасини яратиш, уларни бу лавозимларга босқичма-босқич тайёрлаш ҳамда танлов асосида тайинлаш муҳимлиги қайд этилди.

Жанговар ҳаракатлар динамикаси ошиб бораётган ва янги усуллар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда муваффақият, кўп жиҳатдан, командир-сержант бошқарадиган кичик бўлинмалар ҳаракатига боғлиқ. Шу боис Қуроли Кучлар учун сержант-йўриқчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Аҳоли муурожаатларини ижобий ҳал этиш, жойларда ижтимоий, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, бозорлар тўкинлиги ва

нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

— Халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш бугун ҳам, келажакда ҳам энг устувор вазифамиз бўлиб қолади. Чунки фақатгина тинчлик-осойишталик мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланишининг асосий кафолатидир. Янги — 2022 йил ҳамма соҳада, жумладан, Қуроли Кучлар тизимида ҳам ҳал қилувчи йил бўлиши шарт, — деди Президент.

Йиғилишда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманида ташкил этилган балиқчилик кластерининг аҳоли хонадонлари билан кооперация асосида ишлаш тажрибасини (кейинги ўринларда — кооперация) ҳар бир вилоятда жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштириш қўйидаги тартибда амалга оширилиши белгилансин: балиқчилик ҳўжаликлари хонадон эгаларини балиқ етиштириш бўйича ўқитишни ташкил этади, уларга балиқ етиштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, балиқ чавоқлари, омикта ем, минерал ўғитларни етказиб беради ҳамда улар томонидан етиштирилган балиқни келишилган нархларда сотиб олади; хонадон эгалари ўз хонадонларида балиқчилик ҳўжаликлари томонидан етказиб берилган махсулотлардан фойдаланган ҳолда интенсив усулда етиштирилган балиқларни келишилган нархларда уларга сотади.

2. Маҳаллада тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимларининг ёрдамчилари хонадон эгалари билан ҳамкорликда кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштириш бўйича ташаббускор балиқчилик ҳўжаликларининг рўйхатини шакллантириш ҳамда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиб бориши.

3. Белгилансинки: 2022 йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонидан балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилади;

2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва технологиялар (азаратор, бассейн, автокормушка, УЗВ) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 80 фоиздан ортигини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), юридик шахслардан олинган фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади;

балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдоридан белгиланади.

4. Қўйидагилар: 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда балиқ етиштириш прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ; 2022 йилда сунъий (экстенсив) сув ҳавзаларини

интенсивлаштириш ва балиқ овлаш ҳажмлари бўйича прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Молия вазирилик ва тижорат банкларининг Франция тараққиёт агентлигининг "Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш" лойиҳаси доирасида жалб қилинаётган кредит линияси ҳисобидан 20 миллион евро миқдоридagi маблағларни интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. "Ўзбекчорванасл" агентлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва Марказий банкнинг 2022 йил 15 январдан бошлаб "Ҳар бир оила — тadbиркор" давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун ажратилган кредитни базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказий банк тижорат банклари орқали интенсив усулда аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун "Ҳар бир оила — тadbиркор" давлат дастури доирасида 2022 йилда 200 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун Маҳаллабай ишлаш ва тadbиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда бир марталик субсидия ажратилади;

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига аъзо корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан балиқчилик соҳаси эксперт ва мутахассисларни жалб қилиш харажатлари ҳамда уларнинг бир йиллик иш ҳақи миқдорининг 50 фоизигача, бироқ ойига 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади. Бунда маъжур харажатлар учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўм йўналтирилади.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик ҳамда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича балиқчилик ҳўжаликларининг масъул ходимлари иштирокida "Ишга марҳамат" мономарказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

9. Урмон ҳўжалиги давлат қўмитасининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг тоғoди ҳудудидан Урмон ҳўжалиги қўмитаси балансида бўлган 5 гектар ер майдонida "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан совуқ сув балиқларини етиштириш тармоғини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тажриба станцияси лойиҳаси амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи розилик берилсин.

Бунда ушбу лойиҳани "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирилик, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда балиқ махсулотларини етиштириш, табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш ва мониторингини юритиш бўйича мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Олий аттестация комиссияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатида "Балиқчилик" ихтисослигини қиратишни таъминласин.

12. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирилик, Молия вазирилик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб балиқчилик соҳаси учун юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ва тармоқ институтлари илмий салоҳиятини ошириш учун Тошкент давлат аграр университети ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти докторантура босқичларига "Балиқчилик" ихтисослиги бўйича ҳар йили 2 тадан ўрин ажратсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари икки ой мuddатда хизмат кўрсатувчи банклар билан келишган ҳолда балиқчилик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин ҳамда манфаатдор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхат параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

14. Маҳаллабай ишлаш ва тadbиркорликни ривожлантириш агентлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва Молия вазирилик билан биргаликда бир ой мuddатда жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш бўйича бир марталик субсидия ажратиш тартибиди ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилик, Молия вазирилик ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда икки ой мuddатда аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарни давлат томонидан қўллов-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой мuddатда 2025 йил 1 январга қадар кооперация асосида балиқ етиштиришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 90 фоиздан ортиқ қисми балиқ етиштириш ҳисобидан шаклландиган ҳўжаликларни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Самарқанд давлат университетига атоқли давлат ва жамоат аربоби Шароф Рашидов номи берилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Инновацион ривожланиш вазириликнинг Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида (кейинги ўринларда — Университет) Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Трансформация офиси қўйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2026 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингida биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университет фаолиятини рақамлаштириш ҳамда таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот тadbирларини ўтказиш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

3. Қўйидагилар: 2022 — 2025 йилларда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларга бириктириш жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Университет таркибida қўйидагилар ташкил этилсин: агрономия, биотехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида кадрлар тайёрловчи Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти (кейинги ўринларда — Агробиотехнологиялар институти);

муҳандислик, автоматика, мехатроника, робототехника, рақамли электроника, электротехника, машинасозлик, материалшунослик ва янги материаллар технологияси соҳаларида кадрлар тайёрловчи Муҳандислик физикаси институти (кейинги ўринларда — Муҳандислик институти);

педагогика, ахборот технологиялари ва ҳудудда кадрларга эҳтиёж юқори бўлган бошқа соҳаларда кадрлар тайёрловчи Университетнинг Ургут филиали (кейинги ўринларда — Филиал).

5. Қўйидагилар Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиалнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорида рақобатбардош, амалий кўникмаларни эгаллаган олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, таълим жараёнига илгор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жорий этиш;

ўқув режаларини тегишли соҳаларнинг ривожланиш истикболлари ва устувор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларининг замонавий моддий-техника базасини яратиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, тadbиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг муаммоларини ечишга қаратилган илмий, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш;

таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш, республика ҳамда етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

талабаларга таълим олиш ва илмий фаолият билан шугулланиш учун шарт-шароит яратиш ҳамда чет эл фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш;

илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш.

6. Белгиллаб қўйилсинки: Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиалда таълим фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида олиб борилади;

Университетнинг агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талабалар ўқишини Агробиотехнологиялар институтида давом эттиради;

Университетнинг физика ва математика факультетлари таркибидagi амалий бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талабалар ўқишини Муҳандислик институтида давом эттиради;

Филиал Ургут туманидаги умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институтининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби Молия вазирилик Газначилигида очилган Университетнинг шахсий газна ҳисобварақларида юритилади, Филиал эса Молия вазириликнинг Газначилигида шахсий газна ҳисобварақларида эга бўлади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал директори, директор ўринбосари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича тегишли равишда олий таълим муассасаси филиали директори ва филиал директори ўринбосарига, бошқа ходимлар эса олий таълим муассасалари ходимларига тенглаштирилади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва ҳижозлаш — Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик:

а) Университет билан биргаликда: Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал тузилмаси ҳамда шtat жадвали нормативларга мувофиқ тасдиқланшини таъминласин;

б) Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални танлов асосида амалий тажриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган мутахассислардан иборат юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўдрилиш чораларини кўрсин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик билан биргаликда икки ой мuddатда Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш ҳамда онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун зарур телекоммуникация ҳижозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

в) Фанлар академияси ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти талабаларининг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида дарс жараёнига соҳа мутахассислари ва олимларни, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун илмий ташкилотлар мутахассисларини жалб этиш, зарур ҳолларда амалий дарсларни ишлаб чиқариш ва дала шароитларида олиб бориш чораларини кўрсин;

Агробиотехнологиялар институти талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини замонавий технологиялар билан жиҳозланган агрокластерлар, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат sanoати ташкилотларида ташкил этиш;

Агробиотехнологиялар институти талаба ва профессор-ўқитувчиларига илмий-тадқиқот институтлари ҳамда етакчи ташкилотларнинг лабораторияларидан фойдаланишлари учун зарур шароит яратсин;

г) "Ўзелтехсаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда: Муҳандислик институти талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини sanoат корхоналарида ташкил этиш чораларини кўрсин;

солиқларнинг барча турларидан (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ихтимой солиқ мустасно) озод этилиши назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) бир ой мuddатда "Айдар-Арносой" қўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин: "Айдар-Арносой" қўллар тизимининг Арносой сув омбори ҳудудida балиқ овлашга бир йил мuddатга мораторий эълон қилиш;

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, "Айдар-Арносой" қўллар тизимida шўр сувда балиқ захираларини қўлайитириш бўйича лаборатория марказини ташкил этиш;

"Айдар-Арносой" қўллар тизими дирекцияси" ДУКни қайта ташкил этган ҳолда унинг устав капиталida давлат улушини, камида 30 миллион АҚШ доллари миқдорida инвестиция киритиш, 1 000 та иш ўрнини яратиш ва 2025 йилга бориб йилга 20 минг тонна балиқ овлаш учун балиқ захираларини яратиш шarti билан ишончли бошқарувга бериш.

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонунчилик ҳўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришга ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқабиллов, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси раиси О.Мусаев — балиқ ҳосилдорлигини ошириш ва аҳоли хонадонларида балиқ етиштиришни кенгайтириш бўйича ишларни корхонабай ва хонадонбай ташкил этиб, 2022 йилда:

республикада балиқ етиштириш ҳажмини 700 минг тоннага етказиш;

қўшимча камида 10 мингта аҳоли хонадонida интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда янги 15 та балиқчилик кластерини ташкил этиш;

ҳосилдорлиги 25 центнердан паст бўлган 31 минг гектар сунъий сув ҳавзаларида 78 мингта азаратор мосламасини ўрнатиш;

маъжур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ўз мuddатida бажарилишига шахсан масъул ҳисобланади.

19. Маъжур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига оқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2022 йил 13 январь

АРМИЯ ВА ХАЛҚ — БИР ТАНУ БИР ЖОН

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Тошкент шаҳрида Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирилик ва идораларнинг ҳарбий хизматчилари иштирокида тантанали юриш тadbирли бўлиб ўтди.

Ҳарбий хизматчилар жанговар сафда 3 400 метр масофани босиб ўтди.

Бу Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар ва зобитларимизнинг кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб этиш билан бирга, Ватанимиз посбонларининг шахду шижоатини намойиш этди.

Аслида Ватан ҳимояси ҳар бир фуқаронинг бурчи. Турмуш ташвишлари билан андармон оддий новвойдан эл хизматидаги ходим-

гача, уйда болажонлар тарбияси билан кунларни тонгларга улаётган онажонларимиздан тортиб, кенг далаларни боғу бўстонларга айлантараётган бободехонларимизгача, қайсидир маънода, шу тупроқ, шу эл ҳимояси, унинг равнақи билан машғул бўлган инсонлар, десак, муволага бўлмайди.

Лекин эғнидаги ҳарбий либоси ўзига ярашиб турган тинчлигимиз посбонлари бўлган ҳарбийлар эса том маънода жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячиларидир. Улар

борки, туңларимизда ҳаловат, тонгларимизда мунавварлик, дастурхонларимизда файзу тароват, шаҳару қишлоқларимизда ободлик, одамларнинг бир-бирига ишончи, меҳру муҳаббати барқарор.

Яқин ўтган кунларда кардош ва қондош ўлкада руй берган нохуш воқеалар тинчлик нақадавр улуг неъмат эканлигини янада теранроқ ҳис эттирдими, халқимиз қалб-қўрида ўз ҳимоячилари бўлган ҳарбий хизматчиларни ардоқлаш, уларнинг бе-назир хизматларига муносиб ҳолда келажакка қатъий ишонч ҳисси билан ҳамжихат бўлиш нақадавр муҳим эканлигини аңглатди.

Осийшга юртга байрамлар, бунёдкорлик ишлари ярашади. Шу маънода, соғлом турмуш тарзи

бўлган пиёда юришда ҳарбий сафларимизда мунавварлик, дастурхонларимизда файзу тароват, шаҳару қишлоқларимизда ободлик, одамларнинг бир-бирига ишончи, меҳру муҳаббати барқарор.

Шу ернинг ўзida Ватанимизнинг куч-қудрати, халқимиз осойишталигининг кафолати бўлган ҳарбий техникалар кўргазмаси ташкил этилди.

Дарҳақиқат, ҳарбий хизматчиларнинг байрамонга юриш тadbирли, унинг тафти, ҳисси кўпнинг кўнглига «Армия ва халқ — бир тану бир жон» ғоясини янада теранроқ жо этса, не ажаб.

Тўлқин РЎЗИЕВ, ЎЗА мухбири.



Оқин ФУЛОМОВ (ЎЗА) олган сурат.

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ

## УНГА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази Ватан ҳимоячилари кўни арафасида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига, армиядаги хизмат ва ҳарбийлик касбига ўзбекистонликларнинг муносабатини аниқлаш мақсадида социологик сўров ўтказди. Унда мамлакатимизнинг барча минтақасидан юрtdошларимиз — эркеклар ва аёллар, ёшлар ва катта авлод вакиллари, турли касб эгалари қатнашди.

### Тадқиқот

Сўров давомида унинг аксарият иштирокчилари қайд этдиларки, Ватан ҳимоячилари кўни — бу барча ҳарбий хизматчиларнинг, мамлакат ҳимоясига дахлдор бўлган ёки Қуроли Кучлар сафида хизмат қилган юрtdошларимизнинг касб байрамидир. Бу кунда касб-кори ва ёшдан қатъи назар, ҳамма эркекларни табриқлаш оdatа айланган. Барча замонда мардлик, қаҳрамонлик ва шон-шараф халқимизнинг азалий қадриятлари саналган. Респондентларнинг фикрича, Ватан ҳимоячилари кўни ҳар биримизга муқаддас бурч ва асл ўғлонларнинг шарафли вазифаси — тинчлик-тотувликни сақлаш эканлигини ёдга солиб туради. Фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги Қуроли Кучларда хизмат қилиш, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир эр йигитнинг Ватан олдидики қарзи, деб билади. Қатнашчилар фикрига асосан, ҳарбий хизматни ўташ — ҳар бир инсоннинг тарихий ҳолида муҳим босқичдир, айнан армияда йигитлар ҳақиқий эркак бўлиб етишди, том маънода ҳаёт мактабини ўтади, бу мактаб нафақат жисмоний жиҳатдан тоблаиди ва улғайтиради, балки ўзига ишонган, мустақил, эркин бўлиб етишшига имкон беради, янги кўникмалар орттиришга, ўз салоҳиятини намойён этишга имконият яратади.

Сўров давомида олинган маълумотлар таҳлилида аниқланишча, жамиятда ҳарбий хизматчининг ижобий қиёфаси шаклланимда, ҳарбий хизматни, баъзан ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да ўтаётган ва қўлда қурол билан фуқароларнинг тинч ҳаёти, осойишталиги ва фаровонлигини муҳофаза қилаётган ҳарбийларга нисбатан кўпчилик ўзбекистонликлар чўқур ҳурмат билан муносабатда бўлади. Олинган натижалар Ватан ҳимоячисининг юқори ижтимоий мақомидан далolat беради. Ўзбекистонда умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматни ўташ қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Умумий ҳарбий мажбурият йигитларни Ўзбекистон Республикаси мудофасига мажбурий тайёрлашда ифодаланади ва Қуроли Кучларнинг тўлдирилиши мақсадида ўрнатилди. Мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги — 70,7 фоизи армияда хизмат йигитлар учун мажбурий бўлиши ва ҳар бир ҳақиқий эркак армияда хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайди. Жамиятда мамлакат Қуроли Кучлари имижини таъсирларининг ошиши ва мустаҳкамлаши ўтказилган сўров натижалари билан тасдиқланди. Аксарият фуқаролар “Сиз ўғлингиз, ака-укангиз, турмуш ўртоғингиз ёки бошқа яқин қаридошингиз Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида хизмат қилишини хоҳ-

лармидингиз?” деган саволга ижобий жавоб берди. Армиянинг қиёфаси мамлакат аҳолисининг назаридики кўпчилик ижобий, ушбу тенденция ёшлар ва уларнинг ота-оналарининг армияга муносабатидики ифодаланмоқда, ҳозирги пайтда армияда хизмат қилиш уларнинг асосий қисми учун нуфузли саналади. Тадқиқот давомида мамлакатнинг қаҳриқари асосан ёки шартномага қўра ҳарбий хизматни ўтаган эркак аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларидаги ҳарбий хизмат тўғрисидаги фикри аниқланди. Олинган маълумотларга қўра, эркекларнинг кўпчилиги (97,9 фоиз) кўпчилиги равишда, ўз хоҳишига қўра Ватан олдидики бурчини адо этган ва мамлакат Қуроли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган. Мамлакат эркак аҳолисининг сўрови шуни кўрсатдики, уларнинг Қуроли Кучларидаги ҳарбий хизмат бўйича шахсий тажрибаси ижобий ва фойдали деб қабул қилинади. Сўров иштирокчиларининг фикрича, армиядаги хизмат йигитларга жуда катта фойда беради, улар учун янги истиқболлар ва имкониятлар эшигини очди, содик ва ишончли дўстлар топишга, улғайишга ва янада масъулиятлироқ ҳамда бартариброқ бўлишга имкон беради. Армиядаги хизмат кўпчилик йигитлар учун ҳарбий, ўт ўчирувчи,

фавқулодда вазиятлар ёки ички ишлар органлари ходими бўлиб етишишда биринчи пиллапоё бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Умуман олганда, ўтказилган жамоатчилик фикри сўровлари шуни кўрсатдики, Ватан ҳимоячилари кўни кўпчилик ўзбекистонликлар учун муҳим санадир. Ушбу кун фуқаролар томонидан замонавий Ўзбекистоннинг асосий байрамларидан бири, мардлик, ватанпарварлик ва мамлакат ҳамда халққа садоқат рамзи сифатида нишонланади. Олинган натижалар шуни тасдиқлайдики, ўзбекистонликлар юртимизда мамлакат мустақиллиги ва хавфсизлигини, давлатимизнинг худудий ахлитлигини муҳофаза қилишга, фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашга қодир замонавий, жанговар армия ташкил этилганлиги билан фахрланади. Сўров иштирокчилари шунга қатъий ишондиларки, Ўзбекистон Қуроли Кучлари Ватанимиз мустақиллигининг, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлиги, шунингдек, демократик ислохотлар муваффақиятли амалга оширилишининг ишончли қаолатлидир.

### «Ижтимоий фикр» РЖФЎМ маълумотлари асосида ДИШЛОВ КАРИМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

### Биз ва жаҳон

## Хориж экспертлари: ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚА ВА МАМЛАКАТДА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, ДЕМОКРАТИЯ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИГАН МУҲИТ ЯРАТИШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШДИ

Ўзбекистон Қуроли Кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги ва 14 январь — Ватан ҳимоялари кўни муносабати билан хорижий эксперт доиралари ва жамоатчилик вакиллари ўз табригини йўлламоқда.

### Сергей ТОЛСТОВ, Украина сиёсий таҳлил ва халқаро тадқиқотлар институтининг директори:

— Ватан ҳимоячилари кўни арафасида Ўзбекистон армияси, Қуроли Кучларнинг турли тармоқлари, элу юрт ҳимояси йўлида хизмат қилган ва бурчини адо этаётган ўзбекистонликларни ушбу байрам билан табриқлаймиз. Ўзбекистон суверенитети ва худудий ахлитлиги янада мустаҳкамлашига тилақдошимиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мудофаза қобилияти жиҳатидан Ўзбекистон жаҳонда юқори ўринни эгаллайди. Жумладан, ушбу йўналишдаги рейтингларда республика 140 мамлакат ичидики 51-ўринда қайд этилган ҳам беиз эмас. Бу шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг мудофаза жаҳбаси кўп қиррали бўлиб, бутун минтақада барқарорликни таъминлашга қаратилган турли хил кўшиқларни ўз ичига олади ва шубҳасиз, мудофаза ҳамда хавфсизлик бўйича етакчи мамлакатдир. Бугун Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим барқарорлаштирувчи мамлакат сифатидаги мақсага эга. Шу боис минтақада ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва кўп томонлама алоқалар муҳити, умуман, ўзаро фаровонлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун самарали мулоқот муҳитини яратиш кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг ўрни ва нуқтани назарига боғлиқ, деб ҳисоблайман.

### Грегори КОПЛИ, Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси президенти ва бош таҳлилчиси (АҚШ):

— Ўзбекистон ўзининг 30 йиллик мустақил ривожланиш даври мобайнида Осиёда ҳар жиҳатдан қодир ва энг профессионал мудофаза кучларини шакллантиришга муваффақ бўлди. Ўзбекистон мамлакат ва минтақа хавфсизлиги йўлида кўп муваффақиятларга эришти, демократия гуллаб-яшнайдиган ва иқтисодий юксалган муҳитни яратишга катта ҳисса қўшди. Фуқаролардан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини табриқлаш менга катта мануният бағишлайди, янада катта муваффақиятлар ва бардовом тинчлик тилайман. 1982 йили ташкил топган Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциацияси Америка Қўшма Штатларининг етакчи таҳлил марказларидан бири ҳисобланади. Ассоциациямиз миллий ва халқаро хавфсизлик, стратегик сиёсат ва тинчлик таъминлаши соҳаларида тадқиқотлар олиб бориши баробарида ҳар ойда «Defense & Foreign Affairs» журнали саҳифаларида долзарб мавзуларни қамраб олган мақолаларни эълон қилади.

### «Дунё» АА.

## МУҚАДДАС ҚАСАМЎДИГА ҲАМИША СОДИҚ

Жонажон Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиқидек асраб, шарафли ва муқаддас бурчини мардонавор адо этаётган ҳарбийларимизни қанча ардоқласак, шунча кам. Чунки юртимиз осмонининг мусаффолиги, тинчлигимиз, хотиржамлигимиз ва юртимиз тараққиёти неғизда шу мард ва жасур ўғлонларимизнинг тунлари мижага қоқмай постларида сергақ туришлари муҳжасам.

### Фикр

Бу йил Қуроли Кучларимиз ташкил топганига 30 йил тўлди. Бу қўлгун сана мамлакатимизда ўзгача шоду хуррамлик билан тантана қилинмоқда. Мактаблар, лицейлар, олий ўқув юртилари, ҳарбий қисмлар ва меҳнат жамоаларида ўтказилаётган байрамона тадбирлар ҳар бир ёш йигит ва қизларда юртга муҳаббат ҳисларини уйғотмоқда. Айниқса, Қуроли Кучларимизнинг жанговар шайлигини таъминлаш ва мудофаза салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш белгили қўйилган. Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Сафарбарлик тайёрларлиги ва сафарбарлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси мудофасини бошқариш миллий марказини замонавий алоқа ва ахборотлаштириш воситалари билан жиҳозлаш, мамла-

катимиз Қуроли Кучларининг ягона маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимини яратиш бўйича дастурлар амалга оширилади. Мутафаккир шоир Алишер Навоий бобомиз айтганидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир. Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек улғу ишга бағишлаган азму шижоатли ҳарбийларимиз — гоат масъулиятли ва олижаноб вазифани сараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, элу юртга садоқатли ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳазратқул ХЎЖАМУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

# МАҚСАД — ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ ВА МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ БУНЁД ЭТИШ

Хабарингиз бор, айни кунларда кенг жамоатчилик орасида, оммавий ахборот воситалари ва виртуал оламда, умуман, бутун халқимиз ўртасида Президентнинг «Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳамда мазкур стратегиянинг 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳалари атрофида муҳокама қилинмоқда.

### Таҳлил

Буни 2022 — 2026.strategy.uz платформасига жойланган ушбу ҳужжатларга ҳозирга қадар 10 мингдан ортиқ тақлиф ва изоҳлар билдирилганидан ҳам кўриш мумкин. Ўз навбатида, бу мамлакатимизда фикр эркинлиги амалда таъминланмаётгани, жамият — ислохотлар ташаббускори тамойили ҳаётий воқелика айланаётгани, юрtdошларимизнинг ислохотларга бўлган ишончи ва дахлдорлик ҳисси ортаётганидан далolat беради. Қолаверса, кейинги беш йилликка мўлжалланган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси яратилганидан паллада халқимиз ўз хоҳиш-истакларини баралла айтмаётгани мамлакатимизда учинчи Ренессанс тамал тоши секин-аста бунёд бўлаётганлигини ҳам аниқлатади. Эътибор қилинг, юқорида номи келтирилган Фармон лойиҳасида 7 та устувор йўналиш, Тараққиёт стратегиясида 94 та мақсад, «Йўл харитаси»да 407 та чора-тадбир белгиланган бўлиб, уларни муваффақиятли тарзда рўбга чиқариш мақсадида юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади, минглаб аниқ вазифалар ижрога йўналтирилади. Пироваддида, инсон қад-

рлини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳақиқий халқпарвар давлат барпо этиш ва янги Ўзбекистонда чинакам маърифатли жамият кураимиз. Мавриди келганда, халқпарвар давлат ва маърифатли жамият истилоҳлари бир-бирини тўлдирадиган, бири иккинчисини тақозо этадиган тушунчалар эканлигини ҳам эслатиб ўтиш зарур. Шундай экан, яқин келажакда жамият ҳам, давлат ҳам тараққиётнинг янги босқичига қўтарилиши керак. Шу боис Тараққиёт стратегияси устувор мақсадларидан бири қилиб «Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш» белгиланган. Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий қилиш вазифаси ҳам қатъий белгилаб олинган. Туртинчи санаот инқилоби, яъни ахборот технологиялари санаотга кенг интeгpациялашаётган, «ақли» корхоналар жадал фаолият олиб бораётган ҳозирги даврда ривожланган давлатларнинг тажрибаси тақдор тасдиқладики, мамлакатларнинг бундан кейинги тараққиёт хом ашё ресурсларига қанчалар бойлиги билан белгиланмади. Балки давлатларнинг ривожланиш индекслари улардаги кадрлар малакасига мос ра-

вишда юксалиб боради. Шунинг учун давлат хизматларини замонавийлаштириш, етук кадрларни саралаб олиш ва уларнинг потенциалини мунтазам ўстириб бориш бугуннинг кеңириб бўлмас талабидир. Зотан, давлатнинг ички иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги юксалиш ҳам, ташқи инвестициявий жозибадорлиги орттиши ҳам сифатли давлат хизматларига чамбарчас боғлиқ. Ана шу ҳаётий зарурат ва талабларни инобатга олган ҳолда, 2022 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси»да давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга олиш ҳамда улар фаолияти самардорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараён табиий равишда давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш бўйича «Миллий рейтинг» тизимини йўлга қўйиш тақозо этади. Шу ўринда яна бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Аксарият постсовет давлатлари таълим тизими ёшларни билим олишга эмас, дипломли бўлишга ўргатиб қўйган. Аслида мутараққий дунё тажрибаси кўрсатмоқдаки, дипломсиз ҳам ўз келаҳагини қуриш мумкин (айниқса IT соҳасида), ҳаммаси билим ва тажрибага боғлиқ. Шу боис Финляндиядан бошланган «умр бўйи таълим олиш» ёндашуви бугун бутун жаҳонга кенг ёйилди. Яъни битта мутахассислик билан кўп нарсага эришиш қийин, изланиш ва ўрганишдан тўхтаган авлод тараққиёт лўғомитивдан узиллиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шундан келиб чиқиб, «Йўл харитаси»да барча даражадаги рақбарлар ва ходимларнинг «хаёт давомида таълим олиш» (Life Long Learning) тамойили асосида бутун умри давомида ўзи учун зарур кўникмаларни ривожлантириб боришга йўналтирилган малака ошириш тизимининг ягона қондиларини белгилаш кўзда тутилган. Давлат фуқаролик хизматчисининг узлуksиз малакасини ошириш, касбий ривожланиши — давлат фуқаролик хизматини ўташнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Ҳатто давлат фуқаролик хизматчиларини кўникмасини оширишда давлат бюртмассини шакллантириш тизими ишлаб чиқилди. Давлат фуқаролик хизматчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг интерфеол шакллари, шу-нингдек, уларнинг янги билим ва кўникмаларни эгаллаши учун барчага очик бўлган электрон ўқув дастурлари ҳамда платформалар яратилди. Бу жараёнлар Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган «Инсон капиталини ривожлантириш» тамойилига ҳам тўлиқ ҳамроҳдир. Айни мавзуда сўз бораркан, мактаб-гача таълим, умумий ўрта таълим ва олий таълим тизимидики амалга оширилиши мўлжалланмаётган вазифаларга ҳам кенг тўхталиш зарур. Хусусан, мактабгача таълимдаги қамров даражасини айни пайтдаги 62 фойздан қамда 80 фойзга ошириш, Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимидики қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарслиқларини илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта қўриб чиқиш, амалда жорий этиш, 2022 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини 38 фойзга, 2026 йилда қабул кўрсаткичиники қамда 250 мингга етказиш каби улкан марралар белгилаб олинган. Айниқса, ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича давлат бюртмасси асосида, битирувчиларнинг давлат томонидан қамда камров эгаллашига кўмаклашувчи тизим йўлга қўйилиши, умумтаълим мактабларини «Ишга марҳамат» монoмарказларига бириктириш ва мактабларни ўқув марказлари билан ўзаро боғловчи электрон платформани яратиш назарда тутилмаётгани бугунги куннинг ҳаётий талаби ҳамда истиқболдаги фаровонликнинг асоси, дейиш мумкин.

### Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 148. 35 742 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг қўлидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўлидаги телефоннинг орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тадқириятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тадрият компьютер марказда термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.45 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6